Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

2016-yil
28-aprel,
payshanba

№ 51
(3712)

O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri // Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan // www.ishonch-doverie.uz // e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Ўзбекистон — Россия: Стратегик шерикликнинг янги босқичи

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг таклифига биноан 25-26 апрел кунлари расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди.

25 апрел куни Ислом Каримов ва Владимир Путиннинг норасмий учрашуви бўлиб ўтди. Президентларнинг самимий ва сермазмун суҳбати узоқ давом этди. Томонлар Ўзбекистон — Россия муносабатлари, жаҳоннинг турли минтақаларида содир бўлаётган воқеалар хусусида атрофлича фикр алмашдилар.

Ташрифнинг асосий тадбирлари 26 апрел куни Кремлда бўлиб ўтди. Ислом Каримов ва Владимир Путиннинг учрашувида сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, ҳарбий-техникавий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантириш масалалари муҳокама этилди.

Ислом Каримов ушбу ташриф ўзаро алоқалар ривожига янги суръат бағишлашини, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан ҳар томонлама фикр алмашиш учун қулай имконият эканини алоҳида таъкидлади.

Владимир Путин Ўзбекистон Россиянинг стратегик ҳамкори ва ишончли иттифоқчиси эканини, бу муносабатлар янада мустаҳкамланиб бораётганини алоҳида қайд этди.

Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги ҳамкорлик мустаҳкам шартномавий-ҳуқуқий асосга эга. Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар 2004 йил 16 июнда имзоланган Стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома, 2005 йил 14 ноябрда имзоланган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома доирасида изчил ривожланиб бормоқда.

Ҳукуматлараро ва идораларо алоқалар саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштириш, олий даражадаги учрашувларда эришилган келишувларни амалга оширишда муҳим омил бўлмоқда. Мамлакатларимиз БМТ, ШҲТ, МДҲ каби халқаро тузилмалар доирасида ҳам самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Президентлар минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар, жумладан, Афғонистон муаммоси, терроризм, экстремизм, наркотрафик, уюшган жиноятчиликка қарши курашиш масалалари юзасидан фикр алмашдилар.

Учрашувда Ўзбекистоннинг ШҲТга раислиги доирасида амалга оширилаётган ишларга алоҳида эътибор қаратилди. Мамлакатимизнинг ташкилот ишини янада фаоллаштириш, минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш, тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашга йўналтирилган саъй-ҳаракатлари муҳим аҳамиятга эга экани таъкидланди. Владимир Путин Ўзбекистон томонидан ШҲТнинг июн ойида Тошкентда бўладиган саммити муҳокамасига киритилиши мўлжалланаётган ташаббусларни Россия томони қўллаб-қувватлашини қайд этди.

Ўзбекистон — Россия муносабатларида савдо-иқтисодий ҳамкорлик асосий ўрин тутади. 2013 — 2017 йилларга мўлжалланган иқтисодий ҳамкорлик дастури, 2015 — 2019 йилларда иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш ва чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига оид ҳукуматлараро битимга мувофиқ бу соҳадаги алоқалар изчил тараққий этмоқда.

Россия Ўзбекистоннинг ташқи савдо шериклари орасида иккинчи ўринда туради. Ўзбекистон Россияга транспорт воситалари, пахта толаси, трикотаж, мева-сабзавотлар, қора ва рангли металлар, турли хизматлар экспорт қилади. Россия мамлакатимизга транспорт воситалари, кимё ва қоғоз саноати товарлари, озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб беради.

Ўзбекистонда россиялик ишбилармонлар билан ҳамкорликда тузилган 900 дан ортиқ қўшма корхона фаолият юритмоқда. Мамлакатимизда Россиянинг 85 фирма ва компанияси ваколатхонаси очилган. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми изчил ўсиб бормоқда. Жорий йилнинг биринчи чорагида бу борадаги кўрсаткич 7,9 фоиз ошган.

Инвестициявий ҳамкорлик ҳам фаол ривожланмоқда. Кейинги йилларда Россиянинг мамлакатимиз иқтисодиётига киритган сармояси 6 миллиард доллардан ошган. Ўтган йили бу кўрсаткич 2014 йилга нисбатан 40 фоиз ўсган.

Ўзбекистон ҳам, Россия ҳам ёнилғи-энергетика соҳасида улкан салоҳиятга эга. Бу мазкур йўналишдаги ҳамкорлик ривожида муҳим ўрин тутмоқда. Россиянинг «Лукойл» ва «Газпром» нефт-газ компаниялари мамлакатимиздаги углеводород конларини қидириш ва ўзлаштиришда фаол иштирок этмоқда. Шу йил 19 апрел куни Бухоро вилоятида «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси билан «Лукойл» компанияси ҳамкорлигида Қандим газни қайта ишлаш мажмуаси қурилиши бошланди.

Ўзбекистон автомобиллари Россияда доим харидоргир. «Матиз», «Нексия» каби машиналаримиз бу ерда бир неча бор йилнинг энг яхши автомобили деб топилган. Жорий йилнинг биринчи чорагида ушбу мамлакатда янги бренд остидаги «Ravon Gentra» савдоси 7 фоиз ўсган.

Россияда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига талаб юқори. Ўзбекистон бу соҳада улкан салоҳиятга эга. Давлатимиз раҳбарининг шу йил 12 апрелдаги «Мева-сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотларини харид қилиш ва улардан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори бу борада янада кенг имкониятлар яратди.

Музокарада мамлакатимизда етиштирилган мева ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажмини кўпайтириш ва турини кенгайтиришга келишиб олинди.

Товар айирбошлаш ҳажмини ошириш, сармоявий ҳамкорликни ривожлантириш, транспорт ва транзит соҳасидаги алоқаларни кенгайтиришга доир масалалар муҳокама қилинди. Мамлакатларимизда ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш учун ҳали тўла фойдаланилмаётган имкониятлар кўплиги, уларни ишга солиш икки томон учун ҳам манфаат келтириши таъкидланди.

Томонлар маданият, илм-фан, таълим, спорт ва туризм соҳалари бўйича ўзаро алоқаларни кенгайтириш масалалари юзасидан фикр алмашдилар.

Музокаралар якуни бўйича Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида маданий-гуманитар, ташқи сиёсат, олий таълим, жисмоний тарбия ва спорт каби қатор соҳаларда ҳамкорликка оид ҳужжатлар имзоланди.

Ислом Каримов ва Владимир Путин оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда музокаралар очиқ ва ўзаро ишонч руҳида ўтганини, минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш ва ҳамкорликни янада ривожлантиришнинг долзарб масалалари юзасидан атрофлича фикр алмашилганини таъкидладилар. Бу ўзаро муносабатларнинг бугунги ҳолатини баҳолаш, кўп қиррали ҳамкорликни янада ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаш имконини берди. Кўриб чиқилган масалалар юзасидан томонларнинг позицияси бир хиллиги ёки яқинлиги қайд этилди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Россияга расмий ташрифи якунига етди. Олий даражадаги мулоқотларнинг узвий давоми бўлган ушбу музокараларда мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шерикликни ривожлантиришнинг муҳим йўналишлари ва истиқболлари белгилаб олинди. Бу Ўзбекистон ва Россия халқлари манфаатларига хизмат қилади.

Анвар САМАДОВ,
ЎзА махсус мухбири
Тошкент — Москва — Тошкент.

Матбуот анжумани

Жамоа шартномаси — ижтимоий ҳимоя омили

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан Миллий матбуот марказида «Жамоа шартномалари — ходимлар ижтимоий ҳимоясини кучайтириш ҳамда улар турмуши сифати ва даражасини оширишнинг муҳим омили» мавзусида матбуот анжумани ташкил этилди.

Унда Федерация Кенгаши мутахассислари, иш берувчилар, касаба уюшма фаоллари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Қайд этилганидек, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида йилдан йилга халқимизнинг турмуш даражаси ва сифати ортиб бормоқда. Бунда давлат, касаба уюшмаси ва иш берувчилар ўртасида йўлга қўйилган самарали ижтимоий мулоқот ва ижтимоий шериклик муҳим аҳамиятга эгадир. Мазкур механизм ижтимоий-меҳнат муносабатлари соҳасида юксак натижаларга эришиш имкониятини кенгайтирмоқда.

Маълумки, жамоа шартномаси — корхона, ташкилот ва муассасада иш берувчи билан ходимлар ўртасидаги меҳнатга, ижтимоий-иқтисодий ва касбга оид муносабатларни тартибга солувчи норматив ҳужжат ҳисобланади. Мазкур локал ҳужжат иш берувчи ва касаба уюшма қўмитаси ўртасида имзоланиб, ижтимоий шериклик асосида амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамаси, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва Савдо-саноат палатаси ўртасида имзоланган Бош келишув, республикамизда амал қилаётган 95 та тармоқ келишуви, 14 та ҳудудий келишувдан келиб чиққан ҳолда ҳозирги пайтда корхона, ташкилот ва муассасаларда 122 минг 619 та жамоа шартномаси амал қилмоқда. Бошқача айтганда, республикамизда касаба уюшма аъзолари меҳнатидан фойдаланувчи юридик шахсларни жамоа-шартномавий муносабатлар билан қамраб олиш кўрсаткичи 99,3 фоизни ташкил этмоқда. Ушбу кўрсаткич дунё миқёсида ҳам юқори ҳисобланади.

Ҳозирда мамлакатимиз иқтисодиётидаги улуши 77 фоизни ташкил этаётган хусусий сектор корхоналари, яъни, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини жамоа-шартномавий муносабатлар билан қамраб олиш борасида ҳам тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Кўзланган асосий мақсад — уларда меҳнат қилаётган ходимлар ижтимоий ҳимоясини таъминлаш бўлиб, саъй-ҳаракатлар натижасида охирги 5 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида ишлаётган 500 минг нафар ходим жамоа-шартномавий муносабатлар самараларидан баҳраманд бўла бошлади. Жорий йил 30-31 март кунлари мамлакатимизга ташриф буюрган Халқаро касаба уюшмалари Конфедерацияси Бош котиби Шарон Барроу Ўзбекистонда мазкур йўналишларда амалга оширилаётган ишлар, хусусан, Давлат, Касаба уюшмалари ва Иш берувчилар ўртасидаги ижтимоий мулоқотни бошқа мамлакатларга намуна бўлишга лойиқ, дея алоҳида эътироф этгани ҳам бежиз эмас.

(2).

2016 йил — Соғлом она ва бола йили

Болаларга кулгу улашиб

Хоразм вилоятида бир ҳафта давом этган «Болаларга кулгу улашиш» акцияси доирасида эҳтиёжманд ва имконияти чекланган болаларга беминнат тиббий хизмат кўрсатилди.

Мутахассислар кўрикка келган ҳар бир бола, унинг ота-онаси билан самимий суҳбатлашиб, касаллик сабабларини ўрганишди. Замонавий аппаратуралар ёрдамидаги текширувлардан сўнг зарур муолажалар тавсия қилинди.

— 50 дан ортиқ болани тиббий кўрикдан ўтказдим, —дейди Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникаси кўз касалликлари шифокори Мурод Мавлонов. — Шуниси қувонарлики, жиддий, асоратли кўз касаллиги билан оғриганлар олдинги йилдагига нисбатан озчиликни ташкил қилди.

— Фарзандим Дониёрбекда ўтган йили туғма дакриосистик кўз касаллиги ташхиси қўйилиб, жарроҳлик амалиёти ўтказилганди. Ҳозирда унинг саломатлиги яхши. Шифокор кўригидан ўтиб, керакли маслаҳатларни олдик. Албатта, келгусида ҳам фарзандимнинг саломатлигига жиддий эътибор билан қарайман, — дейди тиббий кўрикдан мамнун ҳолда Тўлқин Бердиев.

Акция давомида 320 дан зиёд бола тиббий кўрикдан ўтказилди. Кўрик натижаларига кўра, 51 нафар болага турли касалликлар бўйича жарроҳлик амалиёти қўлланилиб, муолажалар олиб борилди.

Тадбир доирасида илмий-амалий семинарлар ташкил қилинди.

Муҳаббат ТЎРАБОЕВА,
«Ishonch» мухбири

«Тадбир

Шуманайда туман Хотин-қизлар қўмитаси ва бир неча ташкилотлар ҳамкорлигида «Оиланинг олтин қўрғони» мавзусида марафон ўтказилди.

Оиланинг олтин қўрғони

Унда 5 та макон ва 7 та овул фуқаролар йиғинидан оилавий жамоалар қатнашиб, оилада маънавий-ахлоқий қадриятлар, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, ёш авлодни тарбиялаш борасидаги билим ва тажрибаларини намоён этишди. Шунингдек, жамоаларнинг спортсеварлиги ҳам синовдан ўтказилди.

Барча шартлар бўйича юқори натижага эришган «Деҳқонобод» овул фуқаролар йиғинидан Матқурбановлар оиласи биринчи ўринни эгаллади.

Ғолибларга Фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди.

Ш.ЯКУПОВА,
Қорақалпоғистон Республикаси Шуманай тумани Хотин-қизлар қўмитаси бош мутахассиси

Фаолият сарҳисоб этилди >> 2

Ўзбекистонда хотин-қизлар ҳуқуқи ва кафолатлари >> 4



Гулруҳбегим — турнир ғолибаси >> 6

Жамоа шартномаси — ижтимоий ҳимоя омили

◄(1).

Бугунги кунда Жамоа шартномаларига бандлик кафолатлари, иш ва дам олиш вақти, меҳнатга ҳақ тўлаш, кафолатли тўловлар ва компенсация тўловлари, меҳнатни муҳофаза қилиш, ижтимоий имтиёз ва кафолатлар, маданий-маърифий, жисмоний тарбия, соғломлаштириш ва спорт ишлари, аёллар меҳнатини тартибга солиш, аёллар ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул шахслар ҳамда ёшлар учун қўшимча имтиёз ва кафолатлар, меҳнат низоларини ҳал этиш каби меъёрлар киритилган.

Ҳар йили январ — апрел ойларида жамоа шартномаларининг аввалги йил якуни муҳокама этилиб, янгиси қабул қилинади. Муҳокамаларда иш берувчи ва касаба уюшма қўмитаси ўз мажбуриятларининг амалга оширилиши юзасидан меҳнат жамоаси олдида ҳисобот беради. Меҳнат жамоаси вакилларининг таклиф ва мулоҳазалари эшитилади. Янги қабул қилинаётган жамоа шартномаларига Давлатимиз раҳбарининг қарор ва фармонлари, ижтимоий йўналтирилган Давлат дастурлари, корхонанинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи, ходимлар таклифлари, улар ўртасида ўтказилган ижтимоий сўров натижаларидан келиб чиққан ҳолда қўшимча имтиёз ва қулайликлар киритилади.

Эндиликда мулкчилик шакли турлича бўлган корхона, ташкилот ва муассасаларга қулайлик яратиш мақсадида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан давлат ташкилотлари, соғлиқни сақлаш, мактабгача таълим муассасалари, умумтаълим мактаблари, олий ўқув юртлари ва касб-ҳунар коллежлари, кичик корхоналар, фермер хўжаликлари, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар учун ўз йўналиши, хусусияти, имконияти ва норматив ҳужжатлар базаларидан келиб чиққан ҳолда жамоа шартномалари макети намуналари алоҳида-алоҳида ишлаб чиқилиб, бошланғич касаба уюшма ташкилотларига тавсия этилмоқда. Натижада, жамоа шартномалари орқали ходимлар ижтимоий-иқтисодий манфаати ва меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларини ҳимоялаш, меҳнатини муҳофаза қилиш, бандликка кўмаклашиш, ходимлар даромади ва турмуши даражасини ошириш, ижтимоий кафолатлар бериш, меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзолари маънавиятини юксалтириш ҳамда соғломлаштириш, бўш вақтларини мазмунли ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилаяпти. Нафақат меҳнаткашлар, балки уларнинг оила аъзолари, олий таълим муассасалари ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари, корхона, ташкилот ва муассасаларга ишга қабул қилинган ёшларнинг меҳнат муҳофазаси бўйича йўриқномадан ўтказилиши, жамоа шартномасида кўзда тутилган имтиёз ва қулайликлардан фойдаланиши таъминланмоқда. Ёш мутахассисларга касб маҳоратини ўргатиш учун бириктирилган устозларни рағбатлантириш, касбий танловлар ўтказиш, олий ва ўрта-махсус таълим масканларининг иқтидорли талабалари учун касаба уюшма стипендияларини жорий этиш тадбирлари амалга оширилмоқда.

Кексалар, хотин-қизлар ва ёшлар масаласи устувор эканлигидан келиб чиққан ҳолда жамоа шартномаларига хотин-қизлар ва ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаати ва меҳнат соҳасидаги ҳуқуқлари ҳимоясини кучайтиришга оид янги бўлимлар киритилганлиги айни муддао бўлди. Хусусан, ўтган йилда касаба уюшмалари томонидан жамоа шартнома ва келишувлари орқали 278 минг нафардан зиёд аҳоли вакилларига ижтимоий кўмак берилишига эришилди. Шу жумладан, 2 минг 460 та ёш оилага мамлакатимизда ишлаб чиқарилган, узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар, шунингдек, уй-жой қурилиши учун фоизсиз ссудалар берилди. 2 ёшдан 3 ёшгача фарзандлари бўлган 7 минг нафардан ортиқ ёш оналарга моддий ёрдам кўрсатилди. Нодавлат мулк шаклидаги корхона ва ташкилотларда меҳнат қилаётган 6 минг 240 нафар болали аёлларнинг ойлик маоши сақланган ҳолда иш ҳафтаси 1 соатга қисқартирилди. Аёллар учун қўшимча таътиллар олиш, иш берувчилар ҳисобидан ҳомиладорлик ва туғиш таътиллари кунини узайтириш, 2 ёшдан 3 ёшгача бола парвариши таътилида бўлган оналарга моддий ёрдам олиш каби имкониятлар яратилаётир.

Бундан ташқари, 2 минг 416 нафар аёл учун ҳомиладорлик ва туғиш таътиллари куни узайтирилди. 1 минг 77 нафар ёш ходимга сафарбарлик заҳирасидаги ҳарбий хизматга чақирилиши муносабати билан фоизсиз ссудалар ажратилди. 3 мингдан ортиқ корхоналарда 13 минг нафардан зиёд ёш ходимларни бошқа касбга ўргатиш ҳамда малакасини ошириш ишлари ташкил қилинди. Олий ўқув юртларида таҳсил олаётган 1 минг 805 нафар талабанинг тўлов-шартнома пуллари қисман қоплаб берилди.

Анжуманда жамоа шартномаларида кекса авлод вакилларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган тадбирлар ижроси борасида ҳам кенг маълумот берилди. Хусусан, ўтган йил давомида республика бўйича жамоа шартнома ва келишувлари орқали 91 минг 610 нафар кексаларга ижтимоий кўмаклашилди. 12804 корхонада 43 минг 567 нафар кексаларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, дори-дармонлар олиб бериш, уй-жойини таъмирлаш, коммунал хизматларига ҳақ тўлаш ва бошқа тарзда кўмаклашиш мақсадида 7 млрд. 742 млн. сўмга яқин маблағ сарфланди. 18 минг 225 нафар меҳнат фахрийлари касаба уюшма санаторийларида бепул соғломлаштирилди. 16 минг 583 нафар пенсияга чиқиш арафасидаги ва пенсия ёшидаги шахслар юбилей саналари муносабати билан муносиб рағбатлантирилди. 52 минг 310 нафар ишламайдиган пенсионер (корхоналарнинг собиқ ходимлари)га моддий ёрдам кўрсатилди. Масалан, «Кварц» АЖ жамоа шартномаси орқали корхонада ишлаб пенсияга чиққан ходимларнинг ҳолидан хабар олиш, улар оғирини енгил қилиш, ижтимоий кўмак кўрсатиш ишлари амалга оширилмоқда. Ижтимоий ҳимояталаб, якка-ёлғиз яшовчи кексаларга ижтимоий ёрдам сифатида уч маҳал иссиқ овқат ташкил этилган ва улар ҳар бир байрам арафасида касаба уюшма фаоллари томонидан моддий ва маънавий қўллаб-қувватланмоқда. Шунингдек, пенсиядаги ходимларнинг тураржойларини ободонлаштириш, томорқаларини юритиш ишларига кўмаклашилмоқда.

Жамоа шартномалари орқали ходимлар қонунчиликда кўзда тутилган имтиёз ва кафолатлардан ташқари қўшимча имтиёз ва қулайликлардан ҳам фойдаланмоқда. Хусусан, жамоа шартномаларида ходимлар учун узайтирилган асосий ва қўшимча таътиллар ўрнатилган. Ҳар йили жамоа шартномалари орқали 59 мингдан ортиқ корхонада 15 иш кунидан кўп миқдордаги асосий узайтирилган таътиллар ўрнатилган бўлиб, ушбу имтиёздан қарийб 3 млн. нафар ходим фойдаланмоқда. Қарийб 37 минг корхонада қўшимча таътиллар ўрнатилган бўлиб, ушбу имтиёздан 2 млн. 850 минг нафарга яқин ходим баҳраманд бўлаяпти. Ходимлар учун ижтимоий кафолатлар, соғлиқни муҳофаза қилиш, ходимлар ва улар оила аъзоларини, шу жумладан, болаларни соғломлаштириш ишлари амалга оширилмоқда.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, амалдаги жамоа шартномаларининг деярли 83,4 фоизига иш берувчи ташаббусига кўра ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилишдан олдин касаба уюшма қўмитасининг розилигини албатта олиш лозимлиги тўғрисидаги банд киритилган. Кўплаб корхоналарда меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича тариф сеткаларининг разряд коэффициентлари кўтарилган.

Кейинги йилларда жамоа шартномалари ходимлар даромадларини ошириш мурватига айланди. Жумладан, корхона, ташкилот ва муассасаларда ўрта ҳисобда бир ходимга ойлик маошдан ташқари, жамоа шартномаси орқали сарфланган маблағ миқдори бундан 3-4 йил аввалгига нисбатан сезиларли даражада ортиб, ўтган йил давомида 1,5 млн. дан 7,5 млн. сўмгача миқдорни ташкил этди.

Жамоа шартномалари орқали меҳнат муҳофазаси соҳасига ҳам алоҳида аҳамият берилаяпти. Меҳнат хавфсизлиги даражасини юксалтириш, иш жойларининг санитар-гигиена ҳолатини яхшилаш, ходимларни маиший хоналар, профилактик озиқ-овқатлар билан таъминлаш, меҳнат муҳофазаси қоидаларига ўқитиш, иш ўринларини шаҳодатлаш, имтиёз ва компенсациялар ўрнатиш, ходимларни махсус кийим-бош, пойабзал, шахсий ҳимоя воситалари, ювиш ва зарарсизлантириш воситалари билан таъминлаш, уларни мунтазам равишда тиббий кўрикдан ўтказиш ишлари амалга оширилмоқда.

Яна бир қувонарли жиҳат, жамоа шартномалари орқали ходимлар ва улар оила аъзолари имтиёзли соғломлаштириш билан қамраб олинмоқда. Ҳар бир ходим 2 йилда бир марта имтиёзли йўлланма асосида санаторийларда саломатлигини мустаҳкамлаш имконига эга. Охирги йилларда ходимлар учун яратилган имтиёз ва қулайликлардан яна бири — ходим учун касаба уюшма бюджети ҳисобидан ажратилган йўлланмадан унинг яқин қариндошлари ҳам фойдалана олишидир. Ўтган йилда 60 минг 543 нафар ходим ва уларнинг оила аъзолари жамоа шартномалари асосида санаторий ва дам олиш масканларида соғломлаштирилди. Шунингдек, ишчиларнинг фарзандлари болалар соғломлаштириш оромгоҳларида имтиёзли ва бепул йўлланмалар асосида дам олдирилмоқда.

Маданий-маърифий, спорт-соғломлаштириш ишларини жамоа шартномаларига киритиш орқали меҳнаткашлар маънавиятини юксалтириш, меҳнат жамоаларида соғлом муҳит ва соғлом турмуш тарзи барқарорлигини таъминлашга эришилмоқда. Хусусан, ходимлар ўртасида маданий-маърифий, спорт-соғломлаштириш тадбирларининг кўлами оширилди. Ҳар ойда бошланғич касаба уюшмалари томонидан меҳнат жамоаларида «Маънавият соатлари»ни ўтказиш тизими йўлга қўйилиб, уларда ходимларга мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар моҳияти, қабул қилинган қонун ҳужжатлари ва давлат дастурларининг аҳамияти етказилмоқда. Жорий йил 1-чораги давомида 34 мингдан ортиқ меҳнат жамоаларида «Маънавият соатлари» ўтказилиб, уларда 4,5 млн. га яқин ходимлар иштироки таъминланди. Меҳнаткашлар ва улар оила аъзолари бўш вақтини мазмунли ўтказиш ишлари ташкил этилмоқда. Жисмоний тарбия ва спорт-соғломлаштириш тадбирлари самарадорлиги ортиб бормоқда. Шунингдек, корхона, ташкилот ва муассасаларда ходимлар гимнастикаси йўлга қўйилиб, касб касалликларининг олди олинаётир. Ҳозирда Федерация Кенгаши тавсияларига асосан, 31 минг 294 та корхона, ташкилот ва муассасада қарийб 5 млн. нафар ходим ўртасида соғломлаштириш машқлари ўтказилиши йўлга қўйилган.

Анжуман сўнггида журналистларни қизиқтирган саволларга мутахассислар томонидан батафсил жавоб берилди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Матбуот хизмати.

Икром ҲАСАНОВ олган суратлар.

Академик Fани Абдураҳмонов



Ўзбекистон илм-фани оғир жудоликка учради. Ўзбек тилшунослиги соҳасидаги йирик олим, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги Fани Абдураҳмонов 91 ёшида вафот этди.

F.Абдураҳмонов 1925 йилда Фарғона шаҳрида туғилди. 1946 йили Фарғона давлат педагогика институтини тугатганидан сўнг шу даргоҳда илмий-педагогик фаолиятини бошлади. 1950 йилда номзодлик, 1962 йилда докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. 1968 йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг аъзоси этиб сайланди.

Илмий-педагогик ва раҳбарлик фаолиятини биргаликда олиб борган истеъдодли олим ўзининг 60 йилдан ортиқ меҳнат фаолияти давомида Фарғона давлат педагогика институти кафедра мудири ва проректори, Ўзбекистон Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институти сектор мудири, Фарғона давлат педагогика институти ректори, Ўзбекистон олий ва ўрта махсус таълим вазири, Тошкент давлат чет тиллари институти, Тошкент давлат педагогика институти ректори, Тил ва адабиёт институти бош илмий ходими, Тошкент давлат шарқшунослик институти профессори каби масъул лавозимларда самарали меҳнат қилди. Юртимизда тилшунослик фани соҳасидаги долзарб масалаларни тадқиқ этиш ишига муносиб ҳисса қўшган F.Абдураҳмоновнинг ўзбек адабий тилининг назарий ва амалий масалаларига бағишланган кўплаб монография, рисола ва мақолалари, унинг раҳбарлиги остида тайёрланган луғатлар кенг жамоатчиликка яхши маълум.

Талабчан ва жонкуяр инсон сифатида кўплаб ёшларга илм-фан сирларидан сабоқ берган заҳматкаш олимнинг бевосита раҳбарлигида ўнлаб фан докторлари ва фан номзодлари тайёрланган.

Академик F.Абдураҳмоновнинг мамлакатимиз илм-фанини ривожлантириш борасидаги хизматлари муносиб тақдирланди. У Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби фахрий унвони, «Шуҳрат» медали билан мукофотланган эди.

Атоқли олим, камтарин инсон Fани Абдураҳмоновнинг хотираси қалбларимизда ҳамиша сақланиб қолади.

И.КАРИМОВ, Н.ЙЎЛДОШЕВ, Н.ИСМОИЛОВ, Ш.МИРЗИЁЕВ, Ш.СОЛИҲОВ

Коммунал соҳа

Даврталабига мос

Кейинги йилларда мамлакатимизда тураржойларни замон талаби даражасида бошқариш, намунали сақлаш ва хизмат кўрсатиш, мукаммал ва жорий таъмирлаш ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу эса ўз навбатида, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини такомиллаштириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш орқали нуфузини, ташкилий ва молиявий мустақиллигини ҳамда фаолиятининг самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Пойтахтимизнинг Миробод туманида аҳолига уй-жой коммунал хизматлар кўрсатиш сифатини ошириш, ҳудудларда санитар ҳолатни янада яхшилаш, чиқиндиларнинг ўз вақтида олиб чиқилишини таъминлаш ва уй-жойлардан фойдаланиш хизматлари инфратузилмасини ривожлантириш, янги бошқарув компанияларини ташкил этиш ҳамда моддий-техник базасини кучайтиришга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

— Ушбу тадбир коммунал соҳадаги ислоҳотларни янада жадаллаштириш, ХУЖМШ фаолиятини ривожлантириш мақсадида туман ҳокимлиги томонидан тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил этилди, — дейди туман ҳокими Шарофиддин Қодиров. — Зеро, коммунал соҳада олиб борилаётган ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, ҳудудларда санитар ҳолатни янада яхшилаш, янги бошқарув ва сервис компанияларини ташкил этиш ишларини жадаллаштириш давр талабидир.

— Коммунал соҳада олиб борилаётган самарали ислоҳотлар натижаси ўлароқ банклар томонидан ажратилаётган кредит асосида фаолиятимиз учун зарур бўладиган асбоб-ускуналарни сотиб олиш имконига эга бўлдик, — дейди «Билимдон коммуналчи» ХУЖМШ ширкати раиси Турсуной Хўжаева. — Унутмаслигимиз керакки, фаолиятимиз замирида, энг аввало, аҳоли манфаатлари ётади.

Йиғилишда Миробод туманидаги кўп қаватли уй-жойларни 2016 — 2017 йилги куз-қиш мавсумига тайёрлаш ва улар атрофини тартибга келтириш, ободонлаштириш ишлари юзасидан амалга оширилаётган ишлар атрофлича таҳлил этилди.

Ўз мухбиримиз

Касаба уюшма ҳаёти

Фаолият сарҳисоб этилди

ЎзКУФК Ўқув марказида Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раёсатининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда тармоқ Республика кенгаши раиси А.Абдумухторов белгилаб олинган устувор йўналишлар доирасида жорий йилнинг биринчи чораги давомида амалга оширилган ишларга батафсил тўхталди. Жумладан, Иқтисодиёт вазирлиги ва тармоқ Республика кенгаши ўртасида тармоқ келишуви имзоланди, шунингдек, 10 та тармоқ келишуви янги муддатга тузилди.

Айни пайтда, касаба уюшма аъзолари меҳнатидан фойдаланувчи 3535 юридик шахснинг 3399 тасида жамоа шартномалари имзоланиб, ходимлар ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳимоя қилиниши таъминланмоқда. Республика кенгаши мутахассислари томонидан ўтган даврда Самарқанд, Жиззах, Сурхондарё, Хоразм, Наманган, Андижон ҳамда Фарғона вилоятларида 1758 та бошланғич ташкилотнинг жамоа шартномалари экспертизадан ўтказилди. Ҳисобот даврида фуқаролардан тушган 55 та мурожаат ўрнатилган тартибда кўриб чиқилиб, қонун доирасида ҳал этилди.

Шунингдек, корхона ва ташкилотларда касаба уюшмаларига аъзолик афзалликлари бўйича олиб борилган тарғибот ишлари натижасида 400 тадан ортиқ хўжалик субъектида меҳнат қилаётган 2900 нафардан зиёд ходим касаба уюшма ҳимоясига олинди.

Турли байрамларни кенг нишонлаш анъанага айланган бўлиб, жумладан, Наврўз умумхалқ байрами муносабати билан корхона, ташкилот, муассасаларда маданий-маърифий тадбирлар ўтказилди. 129 нафар ёлғиз кексалар ҳолидан хабар олиниб, уларга кўмаклашилди.

Мажлисда амалга оширилган ишлар билан бир қаторда, йўл қўйилган камчиликлар ҳам танқидий муҳокама этилиб, уларни бартараф этиш юзасидан аниқ вазифалар белгилаб олинди.

Кўрилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

***

Шу куни тармоқ Республика кенгаши томонидан «Меҳнат муҳофазаси бўйича жамоат назоратини энг яхши ташкил этиш юзасидан республика кўрик-танлови» тармоқ республика босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими ҳам ўтказилди.

Танлов натижаларига кўра, «Энг яхши корхона», «Энг яхши касаба уюшма қўмитаси», «Энг яхши меҳнат муҳофазаси бўйича вакил» йўналишларида 1-, 2-, 3-ўрин соҳиблари ташкилотчилар томонидан диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Ўз мухбиримиз.

Икром ХАСАНОВ олган суратлар.

Меҳнат соҳасига бағишланди

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан Халқаро меҳнат ташкилоти иштирокида «Меҳнат соҳасидаги халқаро ва миллий стандартлар ва уларни амалга ошириш борасидаги вазифалар» мавзуида семинар-тренинг ўтказилди.

Вазирликлар, идоралар ходимлари, малака ошириш институтлари ва ўқув марказлари ўқитувчилари учун ташкиллаштирилган ушбу тадбирда муносиб меҳнат шароитларини яратиш борасида халқаро ва миллий тажрибалар, уларни амалиётда жорий этиш борасидаги вазифалар атрофлича муҳокама қилинди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси Танзила Нарбаева меҳнат соҳасидаги халқаро ва миллий стандартлар ҳамда уларни амалга оширишда вазирлик, идора ва фуқаролик жамияти институтлари тизими олдидаги вазифалар нечоғлик муҳим аҳамиятга эга эканлигига эътиборни қаратди. Шунингдек, «Ўзбекистонда муносиб меҳнат бўйича мамлакат дастурини амалга ошириш» лойиҳасининг бош техник маслаҳатчиси Х.Талиганинг Меҳнат соҳасида асосолувчи тамойиллар ва ҳуқуқлар тўғрисида Халқаро меҳнат ташкилоти Декларацияси, уни амалга ошириш механизмига бағишланган маърузаси тингланди.

Семинар-тренингда ходимларнинг меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларига риоя этилишига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, улар ижроси юзасидан амалга оширилаётган тадбирлар, ХМТ Конвенциялари доирасида олиб борилаётган ишлар иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

— Халқаро меҳнат ташкилоти билан самарали фаолият ўз натижасини бераётганидан хурсандмиз. Ташкилотимиз томонидан қабул қилинган қатор Конвенцияларнинг юртингизда амал қилинаётгани эътирофга лойиқ, — деди ХМТ маслаҳатчиси Оксана Липкану.

Мавзу юзасидан ташкил этилган амалий машғулотлар семинар-тренингнинг янада қизиқарли ўтишига хизмат қилди.

Давронбек ОРИПОВ,
«Ishonch» мухбири.
Икром ХАСАНОВ олган сурат.

Оқиллик, одиллик ва инсонпарварлик намунаси

Дунё ҳамжамиятида 28 апрел — Бутунжаҳон меҳнатни муҳофаза қилиш куни сифатида кенг нишонланади. Тарих сабоқлари, инсон меҳнатига ўтмишдаги муносабатларни яхши билган ҳар бир ҳурфикрли инсон учун ушбу куннинг аҳамияти бениҳоя муҳим. Муҳтарам Юртбошимизнинг: «Тарихий хотирасиз — келажак йўқ» деган ўгитларидан келиб чиққан ҳолда таъкидлаш жоизки, инсон манфаатлари, унинг меҳнати улуғланаётган бугунги кун учун шукроналар айтмоғимиз лозим. Шу нуқтаи назардан, мамлакатимиз истиқлоли юртимизда инсон омилини, унинг меҳнатини олий қадрият даражасига кўтариш имкони туғилганлиги билан янада қадрлидир.

Ҳозирда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ихтисослаштирилган муассасаси сифатида фаолият кўрсатаётган Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ)га Ўзбекистон 1992 йил март ойида аъзо бўлган. Бундан республикамизда амалга ошириладиган бўлғуси кенг кўламли ислоҳотларда инсон меҳнатини қадрлаш, уни муҳофаза қилиш энг долзарб йўналишлардан бири бўлиб қолиши кўзда тутилганлиги яққол намоён бўлиб турибди. Дарҳақиқат, бугунги кунда юртимизда истиқлол шарофати билан меҳнат ҳуқуқини тартибга солиш, меҳнатни муҳофаза қилиш, инсон меҳнатини муносиб баҳолаш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг бутун бир тизими яратилдики, уларнинг ҳаётга татбиқ қилинаётганлиги меҳнат муҳофазасининг механизми тўла-тўкис, узлуксиз ишлаб турганидан далолат бермоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳар бир шахснинг меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда белгиланган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқи қатъий қайд этиб қўйилган. Мазкур конституциявий тамойил меҳнат муносабатларини тартибга солувчи кейинги ишлаб чиқилган барча қонунлар, қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар учун дастуруламал бўлиб хизмат қилди.

Мамлакатимизда меҳнатга оид муносабатларни тартибга солишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг бир қатор ўзига хос жиҳатлари мавжуд. **Биринчидан,** Халқаро меҳнат ташкилотининг 13 та Конвенцияси ратификация қилиниб халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қонун-қоидалари меҳнатга оид миллий қонунчилигимизга татбиқ қилинган. **Иккинчидан,** меҳнат муносабатларига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар жамиятнинг барча аъзолари манфаатини ўзида бирдек мужассамлаштирган. **Учинчидан,** меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича алоҳида бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. **Тўртинчидан,** меҳнат муносабатларида меҳнат билан шуғулланаётган шахсларга қўшимча имтиёзларни кўзда тутувчи кўплаб нормалар белгиланган. Бундан ташқари, аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича алоҳида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мунтазам такомиллаштирилиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунида меҳнатни муҳофаза қилиш инсоннинг меҳнат жараёнидаги хавфсизлиги, сиҳат-саломатлиги ва иш қобилияти сақланишини таъминлашга қаратилган ижтимоий-иқтисодий, ташкилий, техникавий, санитария-гигиена ва даволаш-профилактика тадбирлари ҳамда воситалари тизимидан иборат эканлигининг белгиланганлиги ҳам, республикамизда меҳнат муносабатларида инсон омили олий ўринга қўйилганлигини тасдиқлаб турибди.

ХМТнинг бир қатор Конвенциялари ратификация қилиниб миллий қонунчилигимизга татбиқ қилинаётганда уларда белгиланган инсон меҳнати билан боғлиқ нормалар қонунчилигимизда янада мукаммал шаклда ифодаланди. Хусусан, «Ҳақ тўланадиган таътиллар тўғрисида»ги 52-Конвенцияда бир йиллик узлуксиз ишдан сўнг камида олти кундан иборат бўлган йиллик ҳақ тўланадиган таътилга чиқиш ҳуқуқи белгиланган бўлса, мазкур қоида миллий қонунчилигимизда ўн беш кундан кам бўлмаган муддат тарзида акс этган. «Энг кичик ёш тўғрисида»ги 138-Конвенцияда энг кичик меҳнат ёши сифатида ўн тўрт ёш эътироф этилган бўлса, республикамизда меҳнат ёши ўн олти ёш, алоҳида ҳолларда эса ўн беш ёшдан рухсат берилиши белгилаб қўйилган. Яъни болаларни меҳнатга тайёрлаш учун умумтаълим мактаблари, ўрта махсус, касб-ҳунар ўқув юртлари ўқувчиларини уларнинг соғлиғига ҳамда маънавий ва ахлоқий камол топишига зиён етказмайдиган, таълим олиш жараёнини бузмайдиган енгил ишни ўқишдан бўш вақтида бажариши учун — улар ўн беш ёшга тўлганидан кейин ота-онасидан бирининг ёки ота-онасининг ўрнини босувчи шахслардан бирининг ёзма розилиги билан ишга қабул қилишга йўл қўйилади.

Республикамизда аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида алоҳида қонуннинг мавжудлиги ҳар бир шахсни меҳнат қилишга рухсат этиладиган ёшга тўлганидан сўнг муносиб меҳнат билан шуғулланишини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги қонунда ушбу соҳадаги давлат сиёсатининг устувор принциплари белгиланган, хусусан, меҳнат қилиш ва ишни эркин танлаш ҳуқуқини амалга оширишда барча фуқаролар учун тенг имкониятларни таъминлаш, ижодий меҳнат қобилиятини ривожлантиришга кўмаклашиш, иш билан таъминланиш соҳасида ижтимоий кафолатлар бериш, янги иш жойларини яратаётган иш берувчиларни рағбатлантириш кабилар шулар жумласидан. Мазкур қонунни амалиётга татбиқ қилиш баробарида, ишлаб чиқилаётган Давлат дастурларини амалга ошириш орқали ҳар йил юртимизда тўққиз юз мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилмоқда.

Қайд этиб ўтилган фикрлардан келиб чиққан ҳолда таъкидлаш жоизки, Юртбошимиз раҳнамолигида меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида республикамизда оқилона давлат сиёсати олиб борилмоқда. Аҳамиятли томони шундаки, ушбу соҳадаги ислоҳотларда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш билангина чекланиб қолмасдан, уларга иш берувчи ва ходимлар томонидан оғишмай амал қилиниши устидан давлат ва жамоатчилик назорати тизимли равишда олиб борилмоқда. Бундан ташқари, ҳукуматимиз томонидан меҳнатга оид муносабатларни тартибга солишга йўналтирилган қўшимча қарорлар мунтазам қабул қилиниб келинмоқда. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 27 майда қабул қилинган «Халқаро меҳнат ташкилотининг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган Конвенцияларини 2014 — 2016 йилларда амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ҳам мазкур соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг тизимлилиги ва долзарблигининг яққол намунасидир.

Мамлакатимизда амалда бўлган меҳнатга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда аёлларнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеидан келиб чиқиб алоҳида имтиёзлар белгиланганги эътиборга молик. Жумладан, «Хотин-қизларга қўшимча имтиёзлар тўғрисида»ги қонунда болаларни тарбиялаш учун шарт-шароит яратиш ҳамда хотин-қизларнинг меҳнатдан манфаатдорлигини ошириш мақсадида уч ёшга тўлмаган болалари бор, бюджет ҳисобидан молиявий таъминланадиган муассаса ва ташкилотларда ишлаётган аёлларга меҳнатга тўланадиган ҳақни камайтирмасдан, иш вақтининг ҳафтасига ўттиз беш соатдан ошмайдиган, қисқартирилган муддати белгиланган.

Албатта, фуқароларимиз учун муносиб иш шароитларини яратиш, янги иш ўринларини ташкил қилиш, меҳнатга оид ҳуқуқларни муносиб таъминлаш мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг диққат марказида бўлиб келаётир. Бундай ёндашувнинг негизида эса, шубҳасиз, халқимиз учун бахтиёр ва фаровон турмуш шароитини яратиш ётади.

Халқаро меҳнат ташкилотининг аъзоси сифатида мамлакатимизда ҳам Бутунжаҳон меҳнатни муҳофаза қилиш куни муносиб нишонланади. Умуман олганда, юртимизда меҳнатга оид муносабатлар оқилона тартибга солиниб келинаётганлиги юқорида қайд этиб ўтилган маълумотлар ҳам тасдиқлаб турибди. Ишонч билан айтиш керакки, меҳнатсевар халқимизнинг фаровон, тўкис ҳаёт кечириши йўлида амалга оширилаётган соҳадаги ислоҳотлар, шубҳасиз, янада такомиллашиб боради.

А.ИСМОИЛОВ,
Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори ўринбосари

Эътирофга лойиқ

Касаба уюшмалари фаолиятининг устувор йўналишларидан бири ходимлар меҳнатини муҳофаза қилиш бўлиб, бунда, асосий эътиборни профилактика ишларига қаратиш масаласи алоҳида ўрин тутади. «Касаба уюшмаси қанчалик кучли бўлса, иш жойи шунчалик хавфсиз бўлади», деган шиор ҳаётда ўз аксини топаётгани кўзланган мақсадга эришишга хизмат қилаётир.

Чунончи, феврал ойида Қашқадарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашма кенгаши раёсат йиғилишида меҳнат муҳофазаси масаласи танқидий кўриб чиқилиб, устувор йўналишлар бўйича жорий йилда амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар белгиланди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг муҳокамасини ўтказиш бўйича ишлар олиб борилди.

Қайд этиш керакки, «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 24-моддасида «Касаба уюшмалари ходимларнинг меҳнати муҳофаза қилинишига доир ҳуқуқини қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳимоя қиладилар. Касаба уюшмалари меҳнатни муҳофаза қилишга доир норматив ҳужжатларни ишлаб чиқишда ва келишиб олишда белгиланган тартибда иштирок этадилар», деб ёзиб қўйилган. Ўтган йилда бирлашма мутахассислари томонидан 197 та корхона, ташкилот ва муассаса фаолияти ўрганилиб, меҳнат муҳофазасига оид 733 та қоидабузарлик аниқланиб, тўлиқ бартараф этилди. Шунингдек, жойлардаги меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича жамоатчи вакиллар томонидан аниқланган 659 та камчилик ўз вақтида тузатилишига эришилди.

